ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ш. Р. Махкамова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

М. А. Асадуллаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантириш масаласи таҳлил этилган ва методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич синф, мусиқа, ашула.

FORMATION OF MUSICAL PERCEPTION OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Sh. R. Maxkamova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

M. A. Asadullaeva
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article analyzes the issue of formation of musical perception of primary school students and gives methodological recommendations.

Keywords: education, elementary school, music, singing.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида бошланғич таълимнинг самарадорлигига эришиш ва бунда ўқув фанларини ўқитишни такомиллаштириш вазифалари қўйилган [1]. Шу маънода 7-11 ёшли ўқувчиларнинг мусиқий идрокини шакллантириш долзарб бўлиб турибди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546

МЕТОДОЛОГИЯ

Мусиқий идрок – бу ўқувчиларнинг мусиқа ёки ашула мазмунини, тусини ва унинг таъсир кўламини тушуниши, эстетик завқ олиши ва мусиқа ёки ашула тинглаш кўникмасига эга бўлишидир [2]. Бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантиришда амалдаги “Мусиқаий маданият” ўқув фанининг аҳамияти каттадир. Мазкур ўқув фанида миллий ва жахон мусиқа маданияти тўғрисида жуда аниқ ва етарли маълумотлар берилган. Шу сабабли ушбу фан воситасида ўқувчиларнинг мусиқий идрокини шакллантиришда қуйидагиларга асосланиш кутилган самарани беради:

1. ***Ўқувчиларни миллий мусиқа ва ашула тинглашга кўниктириш***. Бу масала мусиқа фанининг негизини ташкил қилади. Ҳозирги замон ахборот технологиялари воситасида ўқувчилар турли мусиқа ва ашулаларни танглашмоқда, бироқ уларнинг мазмунидан тўлиқ хабардор бўлмайди. Шу сабабли дарс жараёнида қуйидагиларни тинглашга ўргатиш самарали ҳисобланади:

- халқ оғзаки мусиқа ижоди намуналаридан эшиттириш;
- композиторларнинг болаларга атаб ёзилган асарларини эшиттириш;
- “Мусиқа маданияти” ўқув дарслигига киритилган асарларни тинглатиш;
- жахон халқлари мусиқа маданиятининг энг сара намуналарини эшиттириш.

Бундай ёндашув ўқувчиларнинг миллий мусиқа ва ашула тинглашга кўниктириш имконини беради.

2. ***Ўқувчиларнинг мусиқа ва ашула мазмунини тушунишга ўргатиш***. Бунинг учун қуйидагиларга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- тақдим қилинган мусиқа ва ашула матнини тушунтириб бериш;
- мусиқага хос хусусиятларни тушунтириш;
- ашула ва қўшиқ тушунчаларининг фарқ қилишини ўргатиш;
- мусиқа ва ашула матнларининг уйғун бўлишини тушунтириш.

Ҳозирги бошланғич таълим тажрибасида мусиқа ёки ашуланинг намуналарини таҳлил қилиб бериш тажрибаси мавжуд. Айни пайтда, мусиқа асарлари тўғрисидаги ўқувчиларнинг ўз фикрларини ўрганиш кутилган самарани беради. Бунинг учун бошланғич таълимда қўлланилаётган ахборотли технологиялар қўл келади.

3. ***Ўқувчиларнинг куйлаш кўникмасини шакллантириш.*** Бошланғич синф ўқувчилари кўп холларда жўр бўлиб куйлашни ёқтиради. Шу сабабли “Мусиқа маданияти” ўқув фанидан болаларнинг жўр бўлиб куйлаш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546

кўникмасини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган. Бизнинг ёндашувчимизга кўра, ўқувчиларнинг куйлаш кўникмасини шакллантиришда қуйидагилар муҳим ўрин тутади:

- ўқувчиларнинг оҳангли талаффуз қилишга кўниктириш;
- ўқувчиларни ўз овозини ўзгаларга мослашга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг ёш ва жисмоний хусусиятларига мос қўшиқларни танлаш;
- имкон қадар амалий машғулотлар кўламини кенгайтириш.

Бундай ёндашув ўқувчиларнинг куйлаш кўникмасини кутилган даражада шакллантириш имконини беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кузатишлар шуни кўрсатадики, 7-11 ёшли ўқувчилар орасида мусиқага бўлган қизиқиш ва иқтидор кузатилади. Шу сабабли бундай лаёқатга эга ўқувчилар билан алоҳида ишлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки кейинги пайтларда ўқувчиларнинг ёш ва жисмоний хусусиятларига мос келмайдиган йирик ашулаларни ўргатиш холлари кузатилмоқда. Мисол учун, катта концерт тадбирида 4-синф ўқувчиси мақомдан намуналар куйлади. Мусиқа санъатининг энг мураккаб жанри бўлган мақомни куйлаш кўникмаси юқори синфларда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай муаммоларнинг олдини олишда бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини кутилган даражада шакллантириш ўзига хос омил хисобланади. Бугунги кунда мусиқа санъатимизда болаларга мўлжаллаб ёзилган асарлар кўп. Уларнинг энг яхши намуналари ўқувчиларга ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мобил алоқа воситасидан кенг фойдаланилаётгани сир эмас. Бу восита орқали ҳар хил мусиқий асарлар тарқатилмоқда. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантириш ҳозирги замон маданияти шахсини шакллантириш билан боғлиқ ходисадир.

Ўзбекистон бошланғич таълим тизимида профессионал мусиқа ўқитувчилари фаолият юритмоқда. Бу омил бошланғич синф ўқувчиларида мусиқий идрокни шакллантириш учун кучли таянч ҳисобланади. Шу сабабли 2020 йили Давлатимиз раҳбари ҳар бир ўқувчига бирор мусиқа чолғусини ижро этишни ўргатиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу ташаббус “5 муҳим ташаббус” доирасида амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси мусиқий идрокни шакллантириш билан боғликдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546

Мусиқий идроки шаклланган бошланғич синф ўқувчиси кейинги таълим босқичларида мусиқий билим ва малакасини ривожлантириши мумкин бўлади. Бугунги кунда ўқувчилар орасидан мусиқага иқтидорли болаларни излаш, уларнинг лаёқатини аниқлаш, тарбиялаш ва тўғри йўналтириш асосий вазифалардан бўлиб турибди. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқа идрокини шакллантириш уларнинг эстетик онги ва ахлоқини шакллантириш ишига хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилмаганлигини қайд этиш жоиз. Шу сабабли олий мусиқий педагогик таълим жараёнида мазкур муаммо тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, қулай ва осон методика ўқувчиларнинг мусиқий идрокини исталган даражада шакллантириш имконини беради.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини кутилган даражада шакллантириш билан уларнинг эстетик ривожлантириш имкониятларига эга бўлинади. Ҳозирги замон шахси учун эстетик онг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий идрокини шакллантиришда хорижий мамлакатлар таълим тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Мисол учун, Россия Федерацияси таълим тизимида ёшликдан опера санъати мисолида ўқувчиларнинг мусиқий илдрокини шакллантириш тажрибаси мавжуд. Шу маънода миллий мусиқа санъатимиз намуналарига таянган холда ўқувчиларнинг мусиқий идрокини шакллантириш кутилган самарани беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // WWW. ZIYONET.UZ
2. Бегматов С. Мусиқа. Дарслик. –Т., 2018.
3. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
4. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546

5. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
6. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
7. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
8. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
9. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
10. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
11.Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue 07-42
12.Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбия фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.
13. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.
14. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 575-582.
15. Умарова З.А. Бошланғич таълим дидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.
16. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
17. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.